

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА
ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ 10-11-СИНФЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ ҲУНАРГА
ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2025

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб ҳунарга тайёрлашни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма бўйича услубий қўлланма.

Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 15 б.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб ҳунарга тайёрлашни ташкил этиш бўйича услубий қўлланмада умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб келажакда уларнинг таълимни давом эттиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 10-11-СИНФЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР	2
КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	Ошибка! Закладка не определена.
ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ	Ошибка! Закладка не определена.
ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	Ошибка! Закладка не определена.
КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	Ошибка! Закладка не определена.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида халқ таълими тизимида оид қонунчиликда, институционал ривожланишда, мактаб ёшидаги болаларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия беришда айрим бўшлиқ ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатилган.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, имконияти чекланган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Катта ҳаёт йўлига чиқишга тайёрланаётган умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлашни самарали ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Мазкур масалага оид қонунчилик ҳужжатларини содда, аниқ ва тушунарли тилда баён этиш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари, мактаб ходимлари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар учун мўлжалланган.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 10-11-СИНФЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги
Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
29.04.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5712-сон
Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2023
йилдаги «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш
tizimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ-5140-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
13.10.2020 йилдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган
болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ–4860-сон қарори


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
30.12.2024 йилдаги 792-сон қарори билан тасдиқланган
Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари
ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлашни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низом



КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

»»» Ўқувчилар учун касб-ҳунар йўналишини танлаш **ихтиёрий бўлиб**, таълим **бепул** амалга оширилади.

Умумтаълим муассасалари ўзига яқин ҳудудда жойлашган қуйидаги касб-ҳунарга тайёрлаш марказларига бириктириладилар:



Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда умумтаълим муассасалари касб-ҳунарга тайёрлаш марказларига **туман (шаҳар) ҳокимликлари** томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги**, вилоятлар **Мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари** ва Тошкент шаҳар **Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари** билан келишган ҳолда бириктирилади.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида ўқувчиларнинг **касб эгаллашларининг назорати** Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.



Касб-ҳунарга тайёрлашнинг **мақсади** ўқувчиларни касб бўйича ижодий фикрлайдиган, ташкилотчилик, тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлган шахсни тарбиялаш ҳамда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб касб-ҳунар танлашда кўмаклашишдан иборат.



Ўқувчиларни ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш

Умумтаълим муассасалари психологи томонидан ўқувчиларнинг касбга **мойиллиги** ўрганилади ва уларни касбга йўналтиришда қуйидагилар амалга оширилади:

1-қадам

7-синфдан бошлаб ўқувчилар ўртасида интерактив сўровномалар ўтказилиб, касб-ҳунарга бўлган қизиқиши аниқланади ва уларнинг маълумотлар базаси яратилади. Ҳар ойда бир марта “Касблар оламига саёҳат” мавзусида махсус курслар ташкил қилинади.

2-қадам

8-синфда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш, танлаган касби бўйича касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида касб ўрганиш учун ўқувчилар ва ота-оналарга тавсиялар берилади ва йўналтирилади. Ҳар чоракда камида бир марта “Менинг келажакдаги касбим” мавзусида семинар-тренинглари ташкил қилинади

3-қадам

9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган психологик ташхислар натижалари асосида келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-ҳунар мактабларида таълим олиши ёки касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида касбга тайёргарликни давом эттиришлари учун ўқувчиларни ўқув йили давомида муайян касбга йўналтириш ишлари олиб борилади

»»» Ўқувчилар **10-11-синфларда** ўқиши давомида қизиқишлари, ота-онасининг фикри ҳамда умумтаълим муассасаси **психологининг хулосасига мувофиқ** касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида касбларга ўқитилади.



Касб-ҳунарга тайёрлаш маркази раҳбари ўқув жараёнига масъул ҳисобланиб, тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар билан **тўлов-шартнома асосида** касб-ҳунарга тайёрлашни ташкил этиши мумкин.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашни ташкил ЭТИШ

»»» Ҳар йили **июнь** ойида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳудуднинг **ижтимоий-иқтисодий ривожланиши** ҳамда **ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда** келгусида эҳтиёж мавжуд бўлган **ишчи касбларни** аниқлайди.

Туман (шаҳар) **ҳокимликлари**, Қорақалпоғистон Республикаси **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги**, вилоятлар **Мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари** ва Тошкент шаҳар **Мактабгача ва мактаб таълими бош бошқармаси** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари** билан келишган ҳолда умумтаълим муассасаларини касб-ҳунарга тайёрлаш марказларига бириктириш бўйича **манзилли рўйхатни тасдиқлайди.**

Бунда қуйидагилар инобатга олинади:

- ✓ туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг умумтаълим муассасаларидаги **10-11-синфлар ўқувчилари сони**, умумтаълим муассасасидаги **технология фани устахоналари** ва **уларнинг сиғими, компьютер синфлари сони** ҳамда умумтаълим муассасасига яқин ҳудудда жойлашган касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг **манзилли рўйхати**;
- ✓ туман (шаҳар)даги касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг **ўқитиш сиғими, педагоглари** ва ўқув-таълим **усталари таркиби, моддий-техника базаси**.

Касб-ҳунарга тайёрлаш умумтаълим муассасасининг моддий-техника ҳолати, технология фани устахонаси, компьютер синф хоналарининг ҳолатини инобатга олиб туман (шаҳар) **Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларининг ҳулосасига** асосан, истисно тариқасида, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан **умумтаълим муассасасида** ҳам ташкил этилиши мумкин.



Касб-ҳунарга тайёрлаш умумтаълим муассасасида ташкил этилганда педагоглар ва ўқув-таълим усталари белгиланган тартибда **туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари** томонидан ишга қабул қилинади.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказлари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари мақоми бўйича профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига тенглаштирилади ҳамда уларга ушбу ходим учун қонунчиликда белгиланган **имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари** татбиқ этилади.

Касб-ҳунарга тайёрлашга қўйиладиган малака талабларини ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, касбий таълим бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва методик жиҳатдан таъминлаш, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга

жорий этиш ҳар йили **июль ойида** Ўзбекистон Республикаси **Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** билан келишган ҳолда **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** томонидан амалга оширилади.

Касб-ҳунарга тайёрлашда таълим бериш ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашни ташкил этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
-----------	-----------	-----------	-----------

I. Ўқувчиларни ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш

<p>1-босқич</p>	<p>Умумтаълим муассасалари</p>	<p>7-синфдан бошлаб ўқувчилар ўртасида интерактив сўровномалар ўтказилиб, касб-ҳунарга бўлган қизиқишни аниқлайди ва уларнинг маълумотлар базасини яратади.</p>	<p>Ўқув йили давомида</p>
------------------------	--------------------------------	---	---------------------------

<p>2-босқич</p>	<p>Умумтаълим муассасалари</p>	<p>8-синфда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш, танлаган касби бўйича касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида касб ўрганиш учун ўқувчилар ва ота-оналарга тавсиялар</p>	<p>Ҳар чорак якунида</p>
------------------------	--------------------------------	--	--------------------------

		беради ва йўналтиради.	
3-босқич	Умумтаълим муассасалари, Касб-ҳунарга тайёрлаш маркази	9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича муайян касбга йўналтириш ишларини олиб боради.	Ўқув йили давомида

II. Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш

4-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармалари	Эҳтиёж мавжуд бўлган ишчи касбларни аниқлайди. Умумтаълим муассасаларини касб-ҳунарга тайёрлаш марказларига бириктириш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлайди.	Ҳар йили июнь ойида
5-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Касб-ҳунарга тайёрлашга қўйиладиган малака талаблари ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тасдиқлайди ва	Ҳар йили июль ойида

		амалиётга жорий қилади.	
6-босқич	Касб-ҳунарга тайёрлаш марказлари	Ўқувчиларга касбий таълим беришни ва ўқув-тарбия жараёнини амалга оширади.	Ўқув йили давомида
7-босқич	Касб-ҳунарга тайёрлаш марказлари	Касб-ҳунарга тайёрлаш марказини муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга давлат намунасидаги сертификатни беради.	Касб-ҳунарга тайёрлашнинг якуний босқичида

»»» Касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида ўқиш умумтаълим муассасаси директори ва Касб-ҳунарга тайёрлаш маркази раҳбари томонидан **тасдиқланган дарс жадвалига асосан** ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг дарс жадвалида белгиланган вақтда машғулотларда иштирок этиши умумтаълим муассасаси томонидан назоратга олинади.

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

- ✓ касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида ўқиш ўқувчилар учун жорий
- ✓ ўқув йилининг **2 сентябридан** келгуси йилнинг **25 майгача** бўлган даврда **тўрт чоракка** бўлинган ҳолда ташкил этилади;
- ✓ ўқув йилининг давомийлиги — **34 ҳафта**;
- ✓ ҳафтасига камида бир марта белгиланган соатлар доирасидан
- ✓ чиқмаган ҳолда ўқиш ташкил этилади;

- ✔ ҳафталик ва умумий ўқув юкламаси касб турига қараб белгиланади;
- ✔ машғулотнинг давомийлиги — **45 дақиқа**;
- ✔ машғулотлар оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги — **5 — 10 дақиқа**.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида машғулотлар **касблардан келиб чиқиб** ташкил этилади.

Касбга қараб **бир синф (гурӯҳ)да ўқувчилар сони 10 нафардан 20 нафар**гача бўлиши мумкин.



Ўқувчиларнинг касбга оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва назорат қилиш мақсадида қуйидаги назорат турлари амалга оширилади:

✔ **жорий назорат** — ўқувчилар танлаган касбга оид курснинг ҳар бир бўлими якунида уларнинг касбий билим ва кўникмаларини намойиш этиш, гуруҳларда ишлаш, савол-жавоб, муҳокама, амалий иш кўринишида амалга оширилади;

✔ **якуний назорат** — ўқувчи танлаган касбга оид курснинг барча бўлими тўлиқ якунлангандан сўнг касб бўйича касбий билим ва кўникмаларни амалий намойиш этиши орқали амалга оширилади.

»»» **Жорий** ва **якуний** назоратларнинг **баҳолаш мезонлари** Ўзбекистон Республикаси **Мактабгача ва мактаб таълими** вазирлиги, **Олий таълим, фан ва инновациялар** вазирлиги ҳамда **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик** вазирлиги томонидан **ишлаб чиқилади** ва тасдиқланади.

Якуний назорат ўтказиш муддатлари Касб-ҳунарга тайёрлаш маркази раҳбари ва умумтаълим муассасаси директори томонидан тасдиқланган график асосида ўтказилади.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказини муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга **Касб-ҳунарга тайёрлаш марказлари** томонидан давлат намунасидаги **сертификат** берилади.

Ўқув юкламаси ҳажмидан келиб чиқиб ўқувчилар **бир неча касбларни** эгаллаши мумкин.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказида ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ бошқа масалалар **ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ** белгиланади.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказида **санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига** ҳамда бошқа талабларга амал қилинишига ушбу **марказ раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.**



Касб-ҳунарга тайёрлаш маркази фаолиятини молиялаштириш Марказнинг белгиланган тартибда тасдиқланган **харажатлар сметасига мувофиқ** амалга оширилади.

Касб-ҳунарга тайёрлаш марказларида касб ўрганаётган ўқувчиларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси **Мактабгача ва мактаб таълими** вазирлиги ҳамда **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик** вазирлиги томонидан **доимий назорат** қилиб борилади.